

## ПАХТА-ТҮҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИДА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КҮПАЙТИРИШДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ СТРАТЕГИЯСИНІН ҚҰЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

**Хайдаров Илхом Уткурович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0001-4443-4324

**Аннотация.** Мақолада пахта-түқимачилик кластерларида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни күпайтиришда самарали диверсификациялаш стратегиясини танлаш масаласи ўрганилган.

**Ключевые слова:** кластер, экспорт, маҳсулот, диверсификация, стратегия.

### ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ СТРАТЕГИИ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ДЛЯ УВЕЛИЧЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВА ЭКСПОРТНОЙ ПРОДУКЦИИ В ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНОМ КЛАСТЕРЕ

**Хайдаров Ильхом Уткурович**

Ташкентский государственный

экономический университет

**Аннотация.** В статье рассматривается вопрос выбора эффективной диверсификационной стратегии увеличения производства экспортно-ориентированной продукции в хлопково-текстильных кластерах.

**Ключевые слова:** кластер, экспорт, продукт, диверсификация, стратегия.

### EFFECTIVENESS OF APPLICATION OF DIVERSIFICATION STRATEGY IN INCREASE OF PRODUCTION OF EXPORT BOP PRODUCTS IN COTTON-TEXTILE CLUSTER

**Khaidarov Ilkhom Utkurovich**

Tashkent State University of Economics

**Annotation.** The article examines the issue of choosing an effective diversification strategy for increasing the production of export-oriented products in cotton-textile clusters.

**Key words:** cluster, export, product, diversification, strategy.

#### Кириш.

Республикамизда мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, ушбу тармоқлар ривожига етарлича инвестициялар жалб қилинди. Бу каби тармоқлар жумласига түқимачилик саноати ҳам киради. Бу охирги йилларда қабул қилинган қатор Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ўз аксини топган.

Шу боисдан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш» вазифаси белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда янгидан ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари ҳам муҳим ролни ўйнаб, экспорт салоҳиятини янада оширишда пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш занжирини ташкил этишда диверсификация сиёсатини самарадорлигини баҳолашни тақозо этади (Фармон, 2022).

### **Адабиётлар шархи.**

Энг сода даражада кластер - бу бир соҳада фаолият юритувчи ва бир-бирига яқин географик яқинликда жойлашган компаниялар гурухи. Минтақавий рақобатбардошликни аниқлаш ва оширишда кластер ёндашувининг асосчиси Майкл Портердир. Farb адабиётида кластер тушунчаси иқтисодий назарияга Майкл Портер (2001) томонидан киритилган: «Кластер - бу ўзаро боғланган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар, тегишли тармоқлардаги фирмалар, шунингдек, уларнинг муайян соҳалардаги фаолияти билан боғлиқ бўлган, рақобатлашадиган, лекин айни пайтда биргалиқда ишлайдиган ташкилотларнинг географик жиҳатдан тўпланган гурӯҳи». Шундай қилиб, кластер бўлиш учун жуғрофий жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гурӯҳи маълум бир ҳудудда фаолият юритиши, умумий фаолият билан тавсифланиши ва бир-бирини тўлдириши керак. Бугунги кунда илмий адабиётларда кластер назарияси ҳар томонлама ўрганилган. Тадқиқотнинг кейинги масаласи диверсификациялаш сиёсатига қаратилади.

Радченко (2014) томонидан “Диверсификация - (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-килмок, бажармоқ) - ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтиришни англатади”, - деган таъриф келтирилган.

Коноплицкий, Филина (2016)лар таъкидлашича, диверсификация атамаси биринчилардан бўлиб 1951 йилда Кеннет Эндрюс томонидан шакллантирилган. Диверсификация - бу алоҳида корхона ва бирлашмалар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар номенклатурасини кенгайтиришдир.

Диверсификация жараёнини тадқиқ этиш биринчи бўлиб 1962 йилда Америкалик олим Горд (2012) томонидан амалга оширилган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуслардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар мұхомаси.**

Биз ўз тадқиқотларимизда «Пахта-тўқимачилик» кластерларида диверсификация стратегиясини қўллаш бўйича модель ишлаб чиқиши таклиф этдик.

Ушбу моделга кўра пахта-тўқимачилик кластерларида *жамлама (концептрик)* диверсификация стратегиясини қўллаш мавжуд ишлаб чиқариш ва у билан технологик кетма-кетлиқда боғлиқ ишлаб чиқаришларни такомиллаштириш ҳамда кенгайтиришни назарда тутиб, қўйидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этишини назарда тутади: пахта хом ашёсини дастлабки ишлов бериш натижасида пахта толаси ва қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқариш; ип калава ва тўқимачилик матоларини ишлаб чиқариш; Нотўқима мато ишлаб чиқариш.

Пахта-тўқимачилик кластерларида горизонтал диверсификация стратегиясини қўллаш қўйидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этишини назарда тутади: трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш; тайёр пахтали кийим-кечакларни ишлаб чиқариш; ётоқ жиҳозлари ва сочиқларни ишлаб чиқариш; хўжалик ватаси ишлаб чиқариш.

Пахта-тўқимачилик кластерларида конгломерат диверсификация стратегиясини қўллаш қўйидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этишини назарда тутади: тиббиёт товарларидан тиббиёт ватасини ишлаб чиқариш; фармацевтика товарларини ишлаб чиқариш; қурилиш моллари ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этишириш; маҳаллий ўғитлар ишлаб чиқариш; ем-хашакларга қўшиладиган оқсил қўшимчаларни ишлаб чиқариш; парфюмерия товарларини ишлаб чиқариш.

Пахта-тўқимачилик кластерларида диверсификациялашни қўллаш бўйича танланган вариант самарадорлигини баҳолашда қўйидаги формуладан ҳам фойдаланиш тавсия этилади:

$$K_{\mathcal{E}C} = H_{\mathcal{Y}K} / U_{\mathcal{Y}K} = \sum_{i=1}^m K_{Ci} * B_{\mathcal{E}i} / \sum_{j=1}^n K_{Cj} * B_{\mathcal{E}j}, \quad (1)$$

бу ерда,  $K_{\mathcal{E}C}$  - муайян стратегия варианти самарадорлигининг якуний экспер特 баҳоси;  $H_{\mathcal{Y}K}$  - муайян стратегия варианти натижавийлик эксперт баҳосининг жами;  $K_{Ci}$  - ҳар бир « $m$ » мақсаддан салмоқлилик коэффициенти;  $B_{\mathcal{E}i}$  - берилган вариантнинг  $i$  – мақсаддан бошлаб натижавийлик баҳоси;  $U_{\mathcal{Y}K}$  - барча уринишнинг талаб қилинган ўлчамлар жамланган эксперт баҳоси, ушбу вариантни амалга оширишнинг мураккаблиги;  $K_{Cj}$  - ҳар бир « $n$ » турдаги ресурсдан фойдаланиш қийинчилигини тавсифловчи коэффициент;  $B_{\mathcal{E}j}$  - берилган стратегия варианти учун  $j$ - ресурснинг талаб этилган миқдорининг баҳоси.

Пахта-тўқимачилик кластерларида диверсификациялашни қўллаш бўйича танланган вариант самарадорлигини баҳолаш натижалари қўйидагича бўлди:

Жамлама диверсификация самарадорлиги коэффициенти ( $C_{ждк}$ ) қўйидагига тенг бўлади:

$$C_{ждк} = (75 + 56 + 52 + 36 + 36 + 22 + 22 + 36) / (60 + 42 + 39 + 24 + 20 + 18 + 56 + 65) = 335 / 324 = 1,03$$

Горизонтал диверсификация самарадорлиги коэффициенти ( $C_{гдк}$ ) қўйидагига тенг бўлади:

$$C_{гдк} = (75 + 70 + 65 + 48 + 36 + 33 + 44 + 36) / (75 + 42 + 52 + 24 + 20 + 18 + 56 + 65) = 407 / 352 = 1,16$$

Конгломерат диверсификация самарадорлиги коэффициенти ( $C_{кдк}$ ) қўйидагига тенг бўлади:

$$C_{кдк} = (75 + 42 + 39 + 48 + 36 + 22 + 22 + 24) / (60 + 70 + 52 + 36 + 40 + 27 + 70 + 65) = 308 / 420 = 0,73$$

Шундай қилиб, пахта-тўқимачилик кластерларини келгусида ривожлантириш стратегияси вариантлари ичida горизонтал диверсификация стратегик вариантини қўллаш юқори натижга беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

1. Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бошқарув қарорлари қуйидаги икки йўналишда қабул қилиниши мумкин: маҳсулотларнинг ташқи бозорда рақобат устунликларини таъминлаш ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сотиш баҳоларини мувофиқлаштириш ҳисобига корхона даромадини ошириш билан амалга оширилади. Бундай корхона инновацион ва тежамкор технологияларни қўллаш орқалигина рақобат устунликларини таъминлаш ва керакли миқдорда даромад олиш, ташқи бозорда мавқеини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади; мавжуд экспорт салоҳиятини ушлаб туриш ва ривожлантириш жараёни доимий узлуксиз олиб борилиши керак. Агар у сезиларли натижа бера олмаса, корхона стратегияси қайта кўриб чиқилади.

2. Пахта-тўқимачилик кластерларини келгусида ривожлантириш стратегияси варианatlарини танлашда улар ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини оптималлаштириш зарур бўлади.

3. Ҳозирда республикамизда пахта-тўқимачилик кластерлари экспорт салоҳиятини оширишда сам арали диверсификация сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Porter M., Opstal D. U.S. (2001). *Competitiveness 2001: Strength, Vulnerabilities and Long-Term Priorities. Council of Competitiveness.*

Горт М. (2012). Диверсификация и интеграция в американской промышленности. – Принстон. Принстон Юниверситети Пресс. – 368 с.

Коноплицкий В.С, Филина А.Б. (2016). Это бизнес: Толковый словарь экономических терминов. - Киев: Альтер-пресс. – 448 с.

Радченко И.А. (2014). Учебный словарь терминов рекламы и паблик рилейшнз. – 478 с.

Фармон (2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).